Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 5 май, № 89 (9260) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТАШАББУСЛАР АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА АЙЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши тадбирларида қатнашиш учун 3-4 май кунлари Самарқандда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 3 май куни Осиё тараққиёт банки президенти Масато Канда бошчилигидаги делегацияни, шунингдек, бир қатор давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларини қабул қилди.

Мазкур учрашувларда Ўзбекистоннинг Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари, хорижий давлатлар ва нуфузли компаниялар билан иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Хусусан, саммит доирасида Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасида 2030 йилгача мўлжалланган янги шериклик дастури имзолангани, унга киритилган умумий қиймати 12,5 миллиард долларлик лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 май куни Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 59-йиллик йиғилишининг очилиш маросимида иштирок этди.

“Тараққиёт чорраҳалари: минтақанинг ўзаро боғлиқ келажагини илгари суриш” шиори остида ўтказилаётган форумда 100 дан ортиқ мамлакатлардан 4 мингдан зиёд экспертлар, шунингдек, хорижий ҳукуматлар, халқаро молия ташкилотлари, етакчи банклар ва компаниялар вакиллари иштирок этмоқда.

Кун тартибидан рақамли ва “яшил” трансформация, иқлим барқарорлиги, ишлаб чиқариш таъминоти занжирларини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа масалалар ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари тадбирда нутқ сўзлаб, бундай нуфузли анжуманнинг юртимизда ўтказилаётгани Ўзбекистонга ғурур ва ифтихор бағишлашини таъкидлади.

Президентимиз буюк тарих ва ёрқин келажакни ўзида мужассам этган Янги Ўзбекистон эндиликда халқаро миқёсдаги долзарб масалалар муҳокама қилинадиган йирик масканга айланиб бораётганини қайд этди.

Ўзбекистон етакчиси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаларига батафсил тўхталиб ўтди. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизга 150 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилиб, минглаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Бу даврда товар ва хизматлар экспорти 3 карра ўсди, миллий иқтисодиёт ҳажми эса 50 миллиарддан 147 миллиард долларга етди.

2020 йилдан буён Ўзбекистон суверен кредит рейтингларида ўз ўрнини изчил ошириб бормоқда. Иқтисодий эркинлик индексида жорий йил юртимиз 14 поғона юқорилаб, илк бор “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олди.

Глобал беқарорлик шароитида ҳам иқтисодиётимиз биринчи чорак якуни бўйича 8,7 фоизли ўсишга эришди.

— Энг муҳими, ислоҳотларимизда ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётини яхшилашга асосий эътиборни қаратдик. Биз ўтган даврда 8,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли даромадини ошириб, камбағаллик даражасини қарийб 35 фоиздан бугунги кунда 5,8 фоизга туширишга эришдик, — деди Президентимиз.

Ўзбекистон охирги ўн йилда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда энг катта ижобий ўзгариш қилган бешта давлатдан бири бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИНИНГ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Масато Канда Жаноблари!

Ҳурматли банк бошқарувчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилишида кўриб турганимдан беҳад мамнунман. Бундай нуфузли анжуманнинг юртимизда ўтказилаётгани бизга албатта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Бир неча минг йиллик тарихга эга, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган диёримиз қадимдан Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғловчи марказ бўлиб келган. Бу ерда азалдан дунё тамаддуни, илм-фан ва савдо йўллари туташган.

Буюк тарих ва ёрқин келажакни ўзида мужассам этган Янги Ўзбекистон эндиликда халқаро миқёсдаги долзарб масалалар муҳокама этиладиган йирик масканга айланиб бормоқда. Ишончим комилки, Самарқанд анжумани илғор фикр ва янги ташаббусларни илгари суришга, муҳим қарорлар қабул қилишга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Азиз меҳмонлар!

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти мутлақо янги ривожланиш даврини бошдан кечирмоқда. Биз 2016 йилдан буён иқтисодиётни эркинлаштириш, инвесторлар учун жозибадор муҳит яратиш, глобал қўшилган қиймат занжирида фаол қатнашиш, ҳудудларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини тубдан янгилаш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бўйича катта ислоҳотларни олиб боряпмиз.

Тарихан қисқа вақт ичида меҳнаткаш ва бунёдкор халқимиз билан мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизга 150 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилиб, минглаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Биргина энергетика соҳасида 35 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ҳисобига электр ишлаб чиқаришни 1,5 баробар ошириб, 87 миллиард киловатт-соатга етказдик. Бу даврда товар ва хизматлар экспорти 3 карра ўсди, иқтисодиётимиз ҳажми эса 50 миллиард доллардан 147 миллиард долларга етди.

Бундай ижобий натижалар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. 2020 йилдан буён Ўзбекистон суверен кредит рейтингларида ўз ўрнини барқарор ошириб бормоқда. Иқтисодий эркинлик индексида бу йил юртимиз 14 поғона юқорилаб, илк бор “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олди. Глобал беқарорлик шароитида ҳам иқтисодиётимиз биринчи чорак якуни бўйича 8,7 фоизли ўсишга эришди.

Энг муҳими, ислоҳотларимизда ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётини яхшилашга асосий эътиборни қаратдик. Биз ўтган даврда 8,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли даромадини ошириб, камбағаллик даражасини қарийб 35 фоиздан бугунги кунда 5,8 фоизга туширишга эришдик. Ўзбекистон охирги ўн йилда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда энг катта ижобий ўзгариш қилган бешта давлатдан бири бўлди.

Биз 2030 йилга қадар Ўзбекистонда барча соҳаларни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш орқали иқтисодиёт ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш ниятидамиз. Натижада даромади ўртачадан юқори давлатлар қаторига киришни ҳамда камбағалликка тўлиқ барҳам беришни мақсад қилганмиз.

Яқин кунларда 13 та стратегик йирик корхоналар активларини ўз ичига олган Миллий инвестиция жамғармасининг 30 фоиз улушини халқаро фонд бозорига чиқарамиз. Аминманки, бундай муҳим қадам ҳамкорларимизнинг юртимиз инвестиция муҳитига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислоҳотларда Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг ўрнини алоҳида эътироф этамиз. Ишончли стратегик шеригимизга айланган Банк билан ҳозирги кунга қадар қарийб 16 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Айниқса, Осиё тараққиёт банки мамлакатимиздаги қайта тикланувчи энергетика, қишлоқларда уй-жой қурилиши ва Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорлик йўналишларида илк кунлардан елкадош бўлганини юксак қадрлаймиз.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОНДА УЗОҚ МУДДАТЛИ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА БАРҚАРОР ҲАМКОРЛИК ҚАДРЛАНАДИ

Самарқандда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Давлатимиз раҳбари тадбирнинг очилиш маросимида нутқ сўзлади. Хорижий делегациялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Хусусан, йиғилиш доирасида “ACWA” компанияси раҳбари Муҳаммад Абунайян бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Унда шериклик алоқаларини кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашувдан сўнг **“ACWA” компанияси раҳбари Муҳаммад АБУНАЙЯН**нинг фикрлари билан қизиқдик.

— Аввало, шуни алоҳида айтишим керакки, ўз юртимдек бўлиб қолган Ўзбекистонда эканимдан хурсандман. Бу ерга ҳар келишим ўзига хос туйғу бағишлайди, шу лаҳзаларни интиқлик билан кутаман, — деди Муҳаммад Абунайян. — Ушбу имконият учун миннатдорман. Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда Президент Жаноби Олийлари учрашувга таклиф қилиб, юксак ҳурмат кўрсатадилар. Бу мен учун катта шараф.

Ҳар гал у киши билан учрашиш, Саудия — Ўзбекистон кенгаши доирасида турли соҳаларга сармоя жалб этишни кенгайтиришга қаратилган улкан мақсадлар ҳақида эшитиш мен учун катта мамнуниятдир. Шу билан бирга, ушбу сармоялар қай даражада амалга оширилаётганини ҳам биргаликда кўриб чиқамиз.

Жаноби Олийлари барча жараёнлардан доимо хабардор. У киши ҳар бир лойиҳанинг ҳолати ҳақида сўрайди. Жараённи тезлаштириш ва муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган барча ёрдамни таъминлайди. Уларнинг ташаббуслари ва амалга ошираётган ислоҳотлари ушбу сармояларнинг муваффақиятли амалга ошишига мустаҳкам замин яратиб келмоқда.

Бу сармоялар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳар бир учрашувда биз, аввало, амалга оширилган ишларга баҳо берамиз. Шу билан бирга, келгусида Ўзбекистонга қандай янги сармояларни олиб кириш масаласини муҳокама қиламиз.

Шунингдек, Жаноби Олийлари компаниямизнинг турли ҳудудларда, турли технологиялар ва ечимлар асосида амалга ошираётган барча лойиҳаларини ҳам шахсан кузатиб бормоқда.

Айтиш жоизки, у киши Ўзбекистоннинг стратегик ривожланиш йўлини жуда эрта белгилаб берди. Хусусан, “яшил” энергетика, энергия алмашинуви ва энергетик хавфсизлик масалаларига ўз вақтида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Президенти бошқа кўплаб давлатлар ҳали бу масалаларга тўлиқ эътибор қаратмасиданоқ ушбу йўналишларда аниқ ва узоқни кўзлаган мақсадларни белгилаб берди. Қайта тикланадиган ва “яшил” энергия улушини ошириш бўйича қатъий ёндашув шаклланди.

Энг муҳими, бу лойиҳалар фақат технология нуқтаи назаридан эмас, балки иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий таъсир жиҳатидан ҳам пухта ўйланган. Бу эса самарадорликни таъминлайди, таннархни оптималлаштиради ва барқарор натижага олиб келади.

2

Учрашув

Шериклик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси аъзоси Бок Киванг бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, икки мамлакат раҳбарлари даражасида йўлга қўйилган очиқ ва самарали мулоқот барча соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Учрашувда парламентлараро алоқани янада фаоллаштириш, қўмиталар ва ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар фаолиятини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, қонун ижодкорлиги, парламент назорати, ҳудудлараро шериклик, ёш парламент аъзолари алмашинуви каби йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика, таълим, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Фракциялар ҳаёти

Депутатлар мунозараларда қандай масалаларни кўтарди?

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеликларга эътибор қаратилди. Шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Техник тартибга солиш соҳаси такомиллаштирилмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Чехия Республикаси Бош вазирининг мамлакатимизга расмий ташрифининг якунлари ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар ушбу ташриф нафақат икки давлат ўртасидаги шерикликни, балки Европа давлатларининг Марказий Осиёдаги иштироки кенгайиб бораётганини кўрсатгани ва Ўзбекистон — Чехия муносабатлари тарихида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берганини қайд этди. Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақа барқарорлиги ва тараққиёти учун хизмат қилиши таъкидланди.

Фракция аъзолари техник тартибга солиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилишди. Ушбу қонун лойиҳаси соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий тизимни халқаро стандартларга мослаштиришни назарда тутади.

Ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”, “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида” ҳамда “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида”ги қонунларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 5 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИНИНГ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фурсатдан фойдаланиб, бизни доимо қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Осиё тараққиёт банки президенти Масато Канда жанобларига ҳамда Банк Бошқарувчиларига шахсан ўзим ва бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Шу билан бирга, яқин ҳамкорлик учун Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтлари раҳбариятига, шунингдек, барча хорижий шерикларимизга алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Биз Осиё тараққиёт банки билан камбағалликни қисқартириш, инсон капиталини ривожлантириш, замонавий инфратузилма барпо этиш каби муҳим йўналишларда яқин ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича аниқ режаларни белгилаб олдик. Куни кеча Банк билан 12 миллиард долларлик янги ҳамкорлик дастурини имзоладик.

Барчангиз яхши хабардорсиз, бугунги таҳликали замонда жаҳон иқтисодиётида мураккаб ўзгаришлар рўй бермоқда, янги технологиялар жадал кириб келяпти. Барқарор тараққиётни таъминлаш учун Банк билан ҳамкорликда янги механизм ва таъсирчан ёндашувларни жорий этишни даврнинг ўзи биздан талаб этмоқда.

Биринчидан, бугун рақамли технология ва сунъий интеллект деярли барча соҳаларни мутлақо янги форматга олиб чиқмоқда.

Жаҳон савдо ташкилоти прогнозларига кўра, 2040 йилга бориб сунъий интеллект ҳисобига халқаро савдо айланмаси қўшимча 40 фоизга ошади.

Биз ахборот технологияларини ривожлантиришга жиддий киришганмиз. Ўзбекистонда инновация ва билимларга асосланган Сунъий интеллект хабини ташкил қилишни бошладик. Иқтисодиёт тармоқларида 200 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳалари устида ишлаяпмиз. Ҳудудларда дата-марказлар, супер компьютерлар ва сунъий интеллект лабораторияларини кўпайтириш, “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари”ни тайёрлаш бўйича дастурларни амалга ошириляпмиз.

Бу йўналишларда Осиё тараққиёт банки ҳамда АҚШ, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Япония, Жанубий Корея ва Хитойдаги ҳамкорларимиз бизга яқиндан ёрдам бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Албатта, таълим, тиббиёт, сув хўжалиги, экология, озиқ-овқат хавфсизлиги каби аҳолининг бирламчи эҳтиёжи учун энг зарур бўлган йўналишларда ҳам очиқ сунъий интеллект моделларидан фойдаланиш талаб этилмоқда.

Бунинг учун Осиё тараққиёт банки шафелигида Ривожланаётган мамлакатларда сунъий интеллект қўламини ошириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Шунингдек, Банкнинг “Осиё учун рақамли магистраль” ташаббусига қўшилишимизни маълум қиламиз ҳамда Тошкентда унинг минтақавий мувофиқлаштириш марказини очиш таклифини илгари сурамиз.

Иккинчидан, рақамли технология ва сунъий интеллектнинг ривожланиши, ўз навбатида, энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжни кескин оширмоқда.

Халқаро энергетика агентлиги таҳлилларига кўра, 2030 йилга бориб дата-марказларнинг электр энергиясига бўлган талаби ҳозиргидан 2-3 карра ошади. Бундай шароитда инвесторларга арзон, ишончли ва “яшил” энергия таклиф қилган давлатларгина глобал бозорда рақобатбардош бўла олади.

Биз бу борада дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда 5 минг 600 мегаваттли йирик шамол ва қуёш электр станцияларини ишга тушириб, генерацияда “яшил” энергия улушини 30 фоизга етказдик. 2030 йилга бориб бу кўрсаткични 54 фоизга олиб чиқишни режа қилганмиз.

Умуман олганда, минтақамизнинг қайта тикланадиган энергия генерацияси бўйича жуда катта салоҳияти бор. Тоза энергия экспортини кенгайтириш учун Марказий Осиё — Европа “яшил” энергетика коридорини яратишда Осиё тараққиёт банки кўрсатаётган ёрдамни миннатдорлик билан таъкидлаймиз. Минтақа давлатлари Банк билан ҳамкорликда қисқа муддатларда ушбу “энергетик артерия” лойиҳасини бошлашига ишонамиз.

Учинчидан, ўзаро боғлиқ транспорт тизими ва логистика йўлаклари барқарорлигини таъминлаш энг долзарб масалага айланмоқда.

Жаҳондаги зиддиятлар оқибатида логистика коридорлари ўзгариши ҳозирнинг ўзида Марказий Осиё давлатлари учун юк ташиш харажатининг 30 фоизгача ошишига, етказиб бериш муддатлари эса бир неча ҳафта кечикишига сабаб бўлмоқда.

Хабарингиз бор, Шарқ ва Ғарбни боғлайдиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси бўйича қурилиш ишлари бошланган. Ушбу янги транспорт йўлаги ҳисобига бутун минтақанинг транзит салоҳияти сезиларли даражада ошади. Маҳсулотларни етказиб бериш муддати 10 кунгача қисқаради, йилига 15 миллион тоннагача юк ташиш имконияти яратилади.

Бу борада Банкнинг Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида “Рақамли божхона ва логистика альянси”ни ташкил этишни таклиф этамиз. Бунинг натижасида божхона тартибларини уйғунлаштириш, ҳужжатлар айланишини рақамлаштириш, чегара орқали юк ташишларни енгиллаштириш имконияти яратилади.

Тўртинчидан, Банк иштирокида хусусий сектор билан ҳамкорликни янада кучайтиришдан манфаатдормиз.

Айниқса, ҳозирги технологиялар асрида критик минераллар учун рақобат кун сайин авж олаётганини барчамиз кўриб турибмиз. Халқаро экспертларнинг хулосаларига кўра, 2040 йилга бориб саноат учун муҳим минералларга талаб 6 баробар ошади. Бу — янги имконият. Ўзбекистон мис, вольфрам, молибден, магний, графит, ванадий, титан ва бошқа минералларнинг катта захирасига эга. Биз бу салоҳиятни ишга солиш мақсадида кореялик ҳамкорларимиз билан R&D маркази фаолиятини йўлга қўйдик. Тошкент ва Самарқанд вилоятларида “Келажак металлари технопарки”ни бунёд этмоқдамиз. АҚШ, Хитой, Туркия каби давлатларнинг йирик компаниялари билан қиймати 1,6 миллиард долларлик 70 дан зиёд лойиҳаларни бошлаганмиз.

Биз нафақат фойдали минералларни қазиб олиш, балки уларни чуқур қайта ишлаш орқали иқтисодиёт ривожига янги туртки беришни мақсад қилганмиз. Осиё тараққиёт банкининг “Критик минералдан — ишлаб чиқаришга” дастурига қўшилиш ва унинг доирасида юқори қўшимча қийматга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишни таклиф этамиз. Бунда геология-қидирув ишларида замонавий технологиялар ва рақамли ечимларни жорий қилиш, қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнларига экологик стандартларни татбиқ этиш, критик минералларни етказиб беришнинг барқарор занжирларини яратиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, иқлим ўзгариши ва чўлланиш жараёнлари Марказий Осиё мамлакатлари тараққиёти учун жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Экологик муаммолар оқибатини юмшатиш мақсадида беш йилдан буён “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп кўчат экиб келяпмиз. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар яшил қопламали ҳимоя ўрмонзорларини яратдик. Ўзбекистонда 2030 йилгача яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш бўйича катта марра олганмиз.

Айни пайтда Осиё тараққиёт банки ҳам 2030 йилгача мўлжалланган иқлим соҳасида Ҳаракатлар режасини самарали амалга ошириб келмоқда. Банк ажратаётган йиллик маблағларнинг 50 фоиздан кам бўлмаган қисмини иқлим лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирмоқда.

Ўйлайманки, бундай эзгу саъй-ҳаракатларни Банк ва минтақа мамлакатлари билан биргаликда рўёбга чиқарсак, натижаси янада юқори бўлади. Шу боис “Марказий Осиё яшил белбоғи” минтақавий лойиҳасини амалга оширишни таклиф этамиз.

Олтинчидан, дунёдаги нотинчлик туфайли миллионлаб туристлар хавфсиз йўналишларни қидирмоқда.

Марказий Осиё зиёрат, маданий, гастрономик, этно, экстремал, тиббиёт каби туризм йўналишларида катта салоҳиятга эга. Бу соҳага алоҳида эътибор қаратиб зарур инфратузилма, сервис, виза ва транспорт, энг муҳими, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни амалга оширдик. Бунинг ҳисобига ўн йил ичида Ўзбекистонга хорижий туристлар оқими 6 карра ошиб, 12 миллион нафарга етди.

Яқинда Тошкент шаҳрида очилган Марказий Осиёнинг илм-фан ва маънавий хазинаси сифатида эътироф этилаётган Ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда барпо этилган буюк аллома Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси юртимизнинг янги дурдоналарига айланди. Бундай мажмуалар қўшни мамлакатларда ҳам бунёд этилмоқда. Шу боис минтақа давлатларини бирлаштирадиган туристик макон — “Марказий Осиё туризм ҳалқаси”ни яратиш ташаббусини илгари сурамиз. Қўшни давлатлар, Осиё тараққиёт банки ва бошқа ҳамкорларимизни туризмни ривожлантириш бўйича лойиҳалар портфелини шакллантириб, биргаликда молиялаштиришга чақирамиз.

Юқорида айтиб ўтилган барча таклиф ва ташаббусларни биз Осиё тараққиёт банки билан фақат суверен кредитлар доирасида эмас, балки давлат-хусусий шериклик, кафолат инструментлари, аралаш молиялаштириш ва хусусий капитални жалб этиш орқали фаол ҳамкорликда амалга оширишга тайёрмиз. Шу муносабат билан минтақавий лойиҳалар учун Инновацион молиялаштириш платформасини шакллантиришни таклиф этамиз.

Ҳурматли Банк бошқарувчилари!

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган кескин ўзгаришлар Осиё тараққиёт банкининг кенг минтақамиз ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги муҳим ўрнини янада оширмоқда. Бу борада биз Банк президенти, халқаро молия ва иқтисодий муносабатлар соҳасида катта билим ва тажрибага эга бўлган Масато Канда жанобларининг олиб бораётган самарали ислоҳотларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Қадрли йиғилиш иштирокчилари!

Бугунги анжуманда дунёнинг 100 дан ортиқ давлати, халқаро молия ташкилотлари, етакчи банклар ва компанияларнинг нуфузли экспертларидан иборат 4 мингдан зиёд вакиллар қатнашмоқда.

Самарқанд платформасида илгари суриладиган муҳим таклиф ва ташаббуслар келгусида катта амалий натижаларга, ҳар бир келишув эса аниқ ва фойдали лойиҳаларга айланишига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни Янги Ўзбекистоннинг гўзал табиати, тарихий обидалари, юртимизнинг замонавий архитектура қиёфаси билан яқиндан танишишга таклиф қиламан.

Сўзимнинг якунида, сизларга мустаҳкам соғлик, масъулиятли фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

ТАШАББУСЛАР АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА АЙЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2030 йилга қадар барча соҳаларни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш орқали иқтисодиёт ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш, даромади ўртачадан юқори давлатлар қаторига кириш ҳамда камбағалликка тўлиқ барҳам бериш мақсад қилинган.

Президентимиз амалга оширилаётган улкан ислоҳотларда Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг ўрнини алоҳида эътироф этди. ОТБ билан амалга оширилган ва жорий қўшма лойиҳалар портфели қарийб 16 миллиард долларга етди.

Давлатимиз раҳбари Осиё тараққиёт банки президенти Масато Канда, Банк бошқарувчилари ҳамда Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтлари раҳбариятига яқин ҳамкорлик учун самимий миннатдорлик билдирди.

Президентимиз жаҳон иқтисодиётида юз бераётган мураккаб ўзгаришлар ва янги технологияларнинг жадал ривожланиши ҳақида сўз юритар экан, барқарор ривожланишни таъминлаш учун Банк билан ҳамкорликда янги механизм ва таъсирчан ёндашувларни жорий этиш зарурлигини таъкидлади.

Рақамли трансформация ва сунъий интеллектга алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда Сунъий интеллект хабини яратиш бошланди, ҳудудларда дата марказларни кўпайтириш, супер компьютерларни ишга тушириш ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари”ни тайёрлаш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда.

— Таълим, тиббиёт, сув хўжалиги, экология, озиқ-овқат хавфсизлиги каби аҳолининг бирламчи эҳтиёжи учун энг зарур бўлган йўналишларда ҳам очиқ сунъий интеллект моделларидан фойдаланиш талаб этилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Осиё тараққиёт банки шафелигида ривожланаётган мамлакатларда сунъий интеллект қўламини ошириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш таклиф этилди. Ўзбекистон банкнинг “Осиё учун рақамли магистраль” ташаббусига қўшилишга тайёрлигини маълум қилиб, Тошкентда унинг минтақавий мувофиқлаштириш марказини очиш таклифини илгари сурди.

“Яшил” энергетикани ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланди. Дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда 5 минг 600 мегаваттли қувватлар ишга туширилди, 2030 йилга бориб эса генерацияда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

Осиё тараққиёт банки тоза энергия экспортини кенгайтириш учун Марказий Осиё — Европа “яшил” энергетика коридорини яратишга кўмаклашаётгани миннатдорлик билан таъкидланди. Минтақа давлатлари банк билан ҳамкорликда қисқа муддатларда ушбу “энергетик артерия” лойиҳасини бошлашига ишонч билдирилди.

Кейинги долзарб вазифа — транспорт тизимларининг ўзаро боғлиқлигини ва логистика йўлаклари барқарорлигини таъминлаш.

Халқаро логистикадаги қийинчиликлар Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуришнинг аҳамиятини оширмоқда. Мазкур лойиҳа юкларни етказиб бериш муддатини 10 кунгача қисқартириш ва бутун минтақа транзит салоҳиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Банкнинг Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури (CAREC) доирасида “Рақамли божхона ва логистика альянси”ни ташкил этиш таклиф этилди.

Муҳим минераллар захираларини ўзлаштиришда ҳамкорлик салоҳияти алоҳида таъкидланди. Президентимиз қайд этганидек, Ўзбекистон нафақат фойдали минералларни қазиб олиш, балки уларни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматга эга ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни мақсад қилган.

Ўзбекистон етакчиси юқори қўшилган қийматга эга бўлган лойиҳаларни илгари суриш учун Осиё тараққиёт банкининг “Критик минералдан — ишлаб чиқаришга” дастурига қўшилиш муҳимлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, иқлим ўзгаришига қарши курашиш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Орол денгизининг қуриган тубида ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш бўйича миллий саъй-ҳаракатларга қўшимча равишда “Марказий Осиё яшил белбоғи” минтақавий лойиҳасини амалга ошириш таклиф қилинди.

Минтақавий ҳамкорлик доирасида “Марказий Осиё туризм ҳалқаси”ни яратиш ташаббуси илгари сурилди. Лойиҳа минтақадаги ноёб маданий, зиёрат, гастрономик, этнографик ва бошқа объектларни сайёҳлар учун ягона маконга бирлаштиришга қаратилган.

Билдирилган барча таклиф ва ташаббусларни тизимли илгари суриш учун ОТБнинг лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кенг имкониятларини, жумладан, хусусий капитални сафарбар қилиш орқали тўлиқ ишга солиш зарурлиги таъкидланди. Шу муносабат билан минтақавий лойиҳалар учун Инновацион молиялаштириш платформасини шакллантириш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган кескин ўзгаришлар шароитида Осиё тараққиёт банкининг кенг минтақамиз ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги муҳим ўрни янада ошаётганини таъкидлади.

Якунда Президентимиз Самарқанд платформасида илгари суриладиган муҳим таклиф ва ташаббуслар келгусида катта амалий натижаларга, ҳар бир келишув эса аниқ ва фойдали лойиҳаларга айланишига ишонч билдирди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Самарқандга ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Беҳруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОНДА УЗОҚ МУДДАТЛИ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА БАРҚАРОР ҲАМКОРЛИК ҚАДРЛАНАДИ

1 Айтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистоннинг энергия сиёсати қўплаб мамлакатлар учун намуна бўла олади.

Бу жараёнда фақат таъминот масаласи эмас, балки тўғри иқтисодий ёндашув ва ижтимоий омиллар, жумладан, маҳаллий кадрлар тайёрлаш ҳам ҳисобга олинган.

Жаноб Президент инсон капиталига алоҳида эътибор қаратади. Мамлакатингизда ёшларни янги технологияларга ўқитиш, уларни замонавий билимлар билан таъминлаш, маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган.

Қурилиш, эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш каби жараёнларда маҳаллий кадрларнинг иштирокини таъминлаш, уларни ўқитиш ва ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Саудия Арабистонида энергетик трансформация ва “яшил” энергетикани жорий этиш жараёни Валиаҳд шаҳзода ва Бош вазир раҳбарлиги остида муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик натижасида энергетика самарадорлиги бўйича муҳим янгиликлар ва билимлар алмашинуви йўлга қўйилди. Бугун бу йўналишда институционал асослар ҳам яратилган.

Буларнинг барчаси Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ўртасида Жаноби Олийлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг етакчилиги остида шаклланган яқин ва ишончли ҳамкорлик самарасидир.

Бугунги кунда дунёдаги кўплаб мамлакатлар энергетик хавфсизлик масаласини инқироз шароитида ҳал қилишга мажбур бўлмоқда. Аммо Ўзбекистонда бу масала анча олдиндан, стратегик ёндашув асосида ҳал этилган. Шунинг учун ҳам мамлакат бугунги глобал ўзгаришларга барқарор ҳолда жавоб бермоқда.

Бу эса Президентингизнинг узоқни кўра билиши, қатъияти ва пухта режалаштирадиган етакчилар жуда кам.



жалаштирилган сиёсати натижасидир.

Биласизми, очиқ ва самимий айтадиган бўлсам, мен у кишининг етакчилигидан жуда таъсирланганман. Дунёда стратегия ва қарашлар ҳақида гапирадиган етакчилар кўп. Лекин бу ғояларни амалга оширадиган, уларни реал натижага айлантирадиган етакчилар жуда кам.

Жаноби Олийлари Президент Шавкат Мирзиёев айнан шундай етакчи. У киши нафақат стратегия белгилайди, балки уни ҳаётга татбиқ этади, натижага эришади ва бу жараёнга шахсан масъулият билан ёндашади.

Энг катта устунлиги эгалик ҳисси ва амалий ёндашувидир. У киши фақат режа тузиб қолмайди, балки уни тўлиқ амалга оширишга эришади. Шу билан бирга, нафақат мамлакат ёки минтақа, балки халқаро ҳамжамият учун ҳам кучли намуна бўлиб келмоқда.

Бугун биз буни амалда кўриб турибмиз. Илгари Ўзбекистонга инвесторларни жалб қилиш жуда қийин эди. Кўплаб давлатлардан инвесторлар деярли келмасди.

Ҳозир эса вазият мутлақо ўзгарган. Бугун бутун дунёдан сифатли ва йирик инвесторлар Ўзбекистонга келмоқда. Бу катта меҳнат, изчил ислоҳотлар ва қатъий сиёсий ирода натижасидир.

Шаффофликни таъминлаш, институционал ислоҳотлар, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш — буларнинг барчаси босқичма-босқич амалга оширилди. Ва энг муҳими, бу жараёнлар ортида ҳақиқий қатъият ва амалий ҳаракат турибди.

Бугун халқаро анжуманларда ҳам буни яққол кўриш мумкин. Биз айни пайтда иштирок этаётган тадбирда ҳам дунёнинг турли бурчакларидан келган иштирокчиларни кўриб турибмиз.

Яқин кунларда бўлиб ўтадиган инвестиция форумида ҳам бу янада яққол намоён бўлади. Ишончим комилки, у ерда сиз дунёнинг турли мамлакатларидан келган етакчи компаниялар ва инвесторларни кўрасиз.

Бу Ўзбекистоннинг қандай ўзгаргани, қандай имкониятлар очилганини кўрсатадиган энг аниқ далилдир.

Мен бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон ҳар қандай инвестормас, балки жиддий, узоқ муддатли, масъулиятли ва шерикликка тайёрларнигина қабул қилади.

Бу ерда “келиб-кетадиган” сармоядорлар учун шароит яратилмайди. Узоқ муддатли, ўзаро манфаатли ва барқарор ҳамкорлик қадрланади.

Бундай ёндашув натижасида сифатли инвесторлар келмоқда ва улар ўз сармоясидан муносиб натижа олмоқда.

Президент Жаноби Олийларига алоҳида раҳмат айтиш керак. У киши жуда кўп мамлакатларда ҳали кузатилмаган даражадаги ислоҳотларни амалга оширди.

Марказий Осиёга қаранг. У киши қўшни давлатлар билан муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Кўплаб келишмовчиликларни ҳал қилишга хизмат қилди ва минтақада ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитини шакллантирди.

Бугун Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги яқинлик ва ҳамжиҳатлик — бу ҳам кучли сиёсий ирода ва етакчилик натижаси.

Нега баъзи давлатлар бундай тезликка эриша олмаяпти? Чунки бу ерда фақат раҳбарлик эмас, балки етук стратегик фикрлаш ва амалий ҳаракат уйғунлиги мавжуд.

Президент Жаноби Олийлари ана шу уйғунликни таъминлай олган етакчи. Шунинг учун ҳам бугун кўплаб давлатлар ва халқаро доиралар Ўзбекистондаги ўзгаришларга катта қизиқиш билан қарамоқда.

Хитой, Швейцария, Америка Қўшма Штатлари каби бошқа кўплаб мамлакатларда бўлдим. Ҳамма жойда бир нарсани кўрдим. Одамлар Ўзбекистон ҳақида эшитган, қизиқиш билдирмоқда ва бу мамлакатни яқиндан танишни истаяпти.

Ўзбекистон бугун дунёдаги энг ёркин трансформация мисолларидан бирига айланди. Ва бу, албатта, Президент Жаноби Олийларининг етакчилиги ва халқнинг қўллаб-қувватлаши натижасидир.

Шу билан бирга, мен бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидламоқчиман: бу ютуқлар ортида буюк халқ турибди. Ёшлар мамлакатнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Улар билимга чанқоқ, ўзгаришларга тайёр ва юқори мақсадларга интилмоқда. Бу эса келажак учун янада катта имкониятлар эшигини очади.

Биз эса Саудия Арабистони ва Саудия бизнес кенгаши сифатида, шунингдек, “ACWA’ ва “Vision Invest” компаниялари орқали, Ўзбекистонда турли инфратузилма лойиҳаларига сармоя киритмоқдамиз.

Ушбу лойиҳалар қаторида аэропортлар, тиббиёт муассасалари, жумладан, Фарғонадаги шифохона, шунингдек, сув таъминоти, сувни қайта ишлаш, марказлаштирилган совитиш ва иситиш тизимлари каби йирик ташаббуслар бор.

Бундан ташқари, кўчмас мулк, туризм ва ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам фаол иш олиб борилмоқда. Биз Ўзбекистонга замонавий технологиялар ва юқори сифатли ишлаб чиқариш ечимларини олиб кирмоқдамиз.

Айрим компаниялар бу ерда маҳаллий корхоналарни сотиб олиб, ноу-хау ва замонавий технологияларни жорий этмоқда.

Бизнинг мақсадимиз Ўзбекистонни фақат истеъмол бозори сифатида эмас, балки минтақавий марказга айлантиришдир. Яъни бу ерда яратилган маҳсулотлар ва ечимлар кейинчалик бошқа мамлакатларга ҳам экспорт қилинади. Бу эса Ўзбекистонни технология ва билим тарқатувчи марказга айлантиради.

Шу маънода, Саудия Арабистонидаги раҳбарият — Валиаҳд шаҳзода ва Бош вазир, шунингдек, энергетика вазири Шаҳзода Абдулазиз бин Салмон Жаноби Олийларининг қўллаб-қувватлаши бу ҳамкорликни янада кучайтирмоқда.

Уларнинг қарашлари ва амбицияларидоимо олдинга интилишга қаратилган ва бу ҳамкорлик йил сайин янада кенгайиб бормоқда.

Сизга жуда муҳим бир жиҳатни айтиб бермоқчиман. Мен сиёсатчи эмасман, тадбиркорман. Лекин тадбиркор сифатида амалиётда кўраётган нарсам шуки, бугунги кунда дунёда ноаниқликлар жуда кўпайди. Геосиёсий вазият, урушлар, турли хавфлар — буларнинг барчаси кўплаб мамлакатларни янада эҳтиёткор, ҳатто консерватив қилиб қўйди.

Кўп давлатлар эндиликда, асосан, ўз ички бозорига эътибор қаратмоқда, бошқа мамлакатларга сармоя киритишга унчалик шошилмаяпти.

Аммо бизнинг ҳолатимиз бошқача. Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар — оддий ҳамкорлик эмас, — ўзаро ишончга асосланган стратегик шериклик.

Икки мамлакат раҳбарлари — Валиаҳд шаҳзода, Бош вазир ва Президент Жаноби Олийлари ўртасида шаклланган яқин ва ишончли муносабатлар биз, тадбиркорлар учун жуда катта аҳамиятга эга.

Бу ишонч бизга нафақат ишонч, балки янада кўпроқ иш қилиш, янада каттароқ лойиҳаларга киришиш ва янада катта натижаларга эришиш учун кучли мотивация беради.

Шу ўринда аниқ айтишим мумкин, куни кеча Президент Жаноби Олийларига айтганимиздек, Саудия Арабистонидан киритилган сармоя ҳажми 26 миллиард доллардан ошган бўлса, энди бу кўрсаткични янада оширамиз.

Жаноби Олийлари раҳбарлиги остида берган ваъдамизга мувофиқ, бу йил сармоя ҳажмини 30 миллиард доллардан оширишни режалаштирганмиз.

Бу билан чекланиб қолмаймиз. Биз аллақачон 2030 йилгача бўлган режаларни тузмоқдамиз.

Чунки икки мамлакат етакчилари ўртасида умумий мақсадлар ва катта режалар бор. Улар доимо олдинга интилади ва эришилган натижалар билан чекланиб қолмайди.

Уларнинг мақсадлари юқори, ва биз, бизнес вакиллари сифатида бу мақсадларни амалга оширишда фаол иштирок этишимиз керак.

Бизнинг вазифамиз Саудия Арабистони ва севимли мамлакатимиз Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайдиган ҳақиқий иқтисодий шерикка айланишдир.

Саудия Арабистонидан келган бизнес вакиллари сифатида бу ерда нафақат сармоя киритиш, балки қўшимча қиймат яратиш, янги имкониятлар очиш ва Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш учун келганмиз.

Шахсан мен ҳар сафар бу ерга келганимда ўзимни уйимдагидек ҳис қиламан. Бу мамлакатга келганда менда доимо хурсандчилик ва илҳом пайдо бўлади.

Кетаётганимда эса яна қачон қайтиб келишим ҳақида ўйлайман.

Инша Аллоҳ, яқин ойларда қайтиб келаман. Инвестиция форумида яна учрашамиз.

Шунда бугунги учрашув ва муҳокамалардан кейин қандай натижаларга эришганимиз, қандай янги лойиҳаларни амалга оширганимиз ва Ўзбекистонга яна қандай сармоялар ва билимларни олиб келганимизни биргаликда муҳокама қиламиз.

ЎзА.

Мамлакатимизда 2026 йил якунига қадар 114 МВт ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш ва 7,1 миллиард кВт-соат электр энергиясини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Тадбир

СЕНАТОРЛАР ВА ЁШЛАР МУЛОҚОТИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзолари Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иқтидорли талабалари, ёш тадқиқотчилар ҳамда профессор-ўқитувчилари билан учрашув ўтказди.

Унда иштирокчиларга Сенатнинг фаолияти, конституциявий ваколатлари, қонун ижодкорлиги жараёни, шунингдек, назорат-таҳлил функциялари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, бундай мулоқотлар ёшларнинг парламент фаолиятига қизиқишини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимини кенгайтириш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мулоқотда талабалар ўз фикр ва таклифларини билдириб, қизиқтирган саволларига сенаторлардан атрофлича жавоб олишди.

«Халқ сўзи».

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЁТИДА АКС ЭТЯПТИ

Бугун Ўзбекистон тараққиёти янги, масъулиятли босқичга қадам қўйди. Энди ислоҳотларга алоҳида-алоҳида эмас, балки бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ягона тизим сифатида қараш вақти келди. Чунки ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқда: иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, энергетика ёки сув хўжалиги — буларнинг бирортаси алоҳида ривожлана олмайди.

Акс садо

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилишидаги нутқи айнан шу ҳақиқатни яна бир бор очиб берди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти 50 миллиард доллардан 147 миллиард долларга етгани, энергетика соҳасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар ошгани — шунчаки рақамлар эмас. Улар ортида одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар, янги иш ўринлари, яхшиланган шароитлар намоён бўлади.

Бугун барқарор иқтисодиёт — бу янги мактаблар, замонавий шифохоналар, таъмирланган йўллар ва аҳолига етказиб берилаётган тоза ичимлик суви, дегани. Ривожланган транспорт — бу фермер учун бозорга тез етиб бориш, тадбиркор учун харажатни камайтириш, оддий инсон учун эса қулайлик демак. Энергетикадаги барқарорлик бутун иқтисодиётнинг юраги ҳисобланади.

Шу билан бирга, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислоҳотлар — энг инсонпарвар йўналиш. Чунки сифатли таълим келажакни, сифатли тиббиёт эса бугунги ҳаётни асрайди. Сунъий интеллект ва рақамли технологияларни айнан шу соҳаларга жорий этиш орқали хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Парламент олдида ҳам катта вазифалар турибди. Ҳар бир қабул қилинаётган қарор ортида инсон тақдири турганини унутмаслигимиз керак.

Бугун бюджет қўллаб-қувватлови, молия



тизими, транспорт, энергетика, сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт ва рақамли ривожланиш булар турли соҳалар эмас, балки битта занжирнинг бўғинларидир. Уларнинг барчаси битта мақсадга хизмат қилади: инсон қадрини улуғлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган 12 миллиард долларлик янги дастур ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Бу маблағлар орқали камбағалликни қисқартириш, замонавий инфратузилма яратиш, инсон капиталини ривожлантиришга эришиш кўзда тутилган.

Энергетика соҳасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш — бугунги кун талаби. Чунки келажак иқтисодиёти айнан энергия самарадорлигига таянади.

Энг муҳими, биз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: ҳар бир лойиҳа ортида инсон бор. Мактабга шошаётган бола, шифохонага мурожаат қилган бемор, сувга муҳтож қишлоқ, электр кутаётган хонадон, маҳсулотини бозорга олиб чиқаётган фермер бор.

Шунинг учун ислоҳотлар самараси одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан баҳоланмоқда. Шу боис Янги Ўзбекистон сиёсати ҳақиқатан ҳам халқчил, адолатли ва самарали эканини халқаро экспертлар, кенг жамоатчилик эътироф этаётир.

Эркин ГАДОЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси.

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида хусусий тадбиркорлик ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда унинг салмоғи мамлакатимиздаги жами корхоналарнинг тахминан 92 фоизини ташкил этади, бандликнинг қарийб 75 фоизини таъминлайди, ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпини шакллантиради.

Мушоҳада

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими соддалаштирилди, бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилди, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди. Шу билан бирга, уларнинг хўжалик фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари кўрилди.

Президентимизнинг соҳага оид қатор фармон ва қарорлари мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими изчил такомиллашиб бораётганининг ёрқин намунасидир.

Жумладан, Президентимизнинг 2026 йил 17 апрелдаги фармонига кўра шу йил 1 июлдан бошлаб текширувлар ва назорат тадбири ҳисобланмайдиган мулоқотлар натижаси бўйича давлат хизматчиси хатти-ҳаракатларига баҳо бериш, текшириш ҳуқуқи бўлмаган ёки текширувга чиқиши белгиланмаган назоратчи ҳақида реал вақт режимида тадбиркорни хабардор қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномаларнинг электрон шаклини юритиш жорий этилади. Шунингдек, текшириш ўтказиш тартибига риоя қилмаслик ҳолатларини автоматик тарзда аниқлаш тизими ҳам ишга туширилади.



2026 йил 1 августдан қўзғатилган жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган текширувлар ва профилактика тадбирлари рўйхатини шакллантиришни, назорат тадбири ҳисобланмайдиган мулоқотларни ҳисобга олишни таъминловчи “Бизнес ҳимоя” QR-коди ишга туширилади.

Назорат қилувчи ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахслари ва ходимлари номидан ёки ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъекти фаолият юритадиган бинога назорат ёки профилактика тадбирини ўтказиш мақсадисиз ташриф буюриши ёхуд тадбиркорлик субъектини бошқа жойга чақириши назорат тадбири ҳисобланмайдиган мулоқот сифатида баҳоланади.

“Ягона давлат назорати” ахборот тизимига киритиладиган маълумотлар Бизнес-омбудсман ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан доимий мониторинг қилиб борилади.

Айни бир тадбиркорлик субъекти билан бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба асоссиз мулоқотга киришган давлат хизматчисига давлат органининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан хизмат текшируви ўтказилади. Мазкур тадбиркорлик субъектида ўтказиладиган назорат тадбирларида охирги мулоқот қайд этилган санадан эътиборан ўн икки ой давомида иштирок этишга йўл қўйилмайди. Ушбу тақиққа риоя этмаган ҳолат эса тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тартибини бузиш ҳисобланади.

“Ягона давлат назорати” ахборот тизимидан рўйхатдан ўтмаган ёки текширув ўтказишга асос бўлувчи ҳужжатларни тизимга киритмаган ёхуд махсус гувоҳномага эга бўлмаган назорат қилувчи органнинг ходими томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувлар ноқонуний ҳисобланади.

Шунингдек, фармонда 2026 йил 1 сентябрга қадар “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қайта ишлаш, шунингдек, Бизнес-омбудсман девонининг фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун замонавий услубларни, жумладан, сунъий интеллект технологияларини кенг татбиқ этиш чораларини кўриш каби тадбирлар ҳам белгиланган.

Сирасини айтганда, мазкур фармон тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш орқали ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантиришга, пировардида уларнинг сонини ва фаолияти самарадорлигини оширишга, ишлаб чиқариш кўлами, маҳсулот ҳажми ва сифатини юксалтиришга, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

Ўзбекистон — Япония:

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Япония парламенти вакиллар палатаси аъзоси, ташқи ишлар вазирининг парламентар ўринбосари Арфия Эри бошчилигидаги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон — Япония” парламентлараро форумининг бешинчи йиғилиши ўтказилди.

Форум

Унда ҳар икки томон депутатларининг парламентлараро алоқаларнинг бугуни ва истиқболлари ҳақидаги ахборотлари эшитилди.

Ўзбекистон — Япония муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, хусусан, олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан парламент назоратини олиб бориш, барча йўналишда парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашишни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар таъкидлаганидек, сўнгги йилларда давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон — Япония ўртасидаги сиёсий мулоқот барқарор ва изчил ривожланиб, ўзаро ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Олий даражадаги келишувлар самарали амалга оширилиб, парламентлар ўртасида сермаҳсул алоқалар йўлга қўйилган.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Р. Ҳакимов форум иштирокчиларига Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида маълумот берди.

Ўз навбатида, Арфия Эри форумни юқори даражада ташкил этганлиги учун Ўзбекистонга миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган фаол, очиқ ва конструктив ташқи сиёсат, кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг натижаларини юқори баҳолади.

— Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар чуқур тарихий илдизларга эга. Ана шу бой ва узоқ йиллик алоқаларга таянган ҳолда мен ташқи ишлар вазирининг парламентар ўринбосари ҳамда депутат сифатида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшаман, — деди А. Эри.

Япония парламентининг Ўзбекистон билан дўстлик лигаси Ижроия қўмитаси раиси Кейсуке Сузуки эса Япония Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкор давлат сифатида билиши ва ўзаро алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

— Бугунги кунда Ўзбекистон — Япония муносабатлари сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичга чиқиб, кўплаб соҳаларда ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланиб бормоқда. Мазкур форум, албатта, келгусидаги шерикликни янада кенгайтириш учун янги босқични бошлаб беради, — деди К. Сузуки.

Йиғилишда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, “яшил” энергия ва таълим соҳаларини ривожлантириш, ахборот технологиялари, тадбиркорлик ва сунъий интеллект йўналишларида ҳамкорликни кучайтириш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди. Ушбу ташаббуслар янгича мазмун билан бойитилиши урғуланди.

Томонлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришда парламентлар муҳим ўрин тутишини, мазкур форум эса парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва сиёсий мулоқотни чуқурлаштиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Форум якунида икки давлат парламентлари ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни тизимли давом эттиришга келишиб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Депутатлар мунозараларда қандай масалаларни кўтарди?

1

Қонун лойиҳасига масъул депутат Муқаддасхон Аҳмедованинг айтишича, мазкур ҳужжат миллий сифат инфратузилмасининг бошқарув моделини яратишга, техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган.

— Қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида обдан муҳокамадан ўтказилиб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида депутатларимиз томонидан берилган таклифлар ҳужжат матнида акс этгани алоҳида эътироф қилинди, — дейди депутат. — Айтиш жоизки, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мазкур соҳаларда қўлланиладиган айрим талаблар ҳамда атамаларни Жаҳон савдо ташкилотининг қоидалари ва нормаларига мувофиқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Фракция аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига давлат



чегарасини қўриқлаш ҳамда ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқди.

Мунозаралар давомида депутатлар мазкур ҳужжатнинг аҳоли тинчлиги, мамлакатимиз хавфсизлиги, иқтисодий барқарорлигини мустаҳкам ҳимоя қилиш чораларини янада кучайтиришга қаратилганини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Судгача соддалаштирилган тизим янада ривожлантирилади

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўтган ҳафтада халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, муаммоларини ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш мақсадида ҳудудларда бўлди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб ушбу ўрганиш якунлари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, депутатлар сайловчилар билан самимий мулоқот уюштириб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Аҳоли қонунчиликдаги сўнгги ўзгаришлардан хабардор қилиниб, бу борада янги таклиф-ташаббуслари ўрганилди. Ёшлар билан очиқ мулоқотлар ташкил этилди.

Шу билан бирга, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тарихий обидаларнинг бугунги ҳолати, туризм ривожи масалаларига эътибор қаратилди. Яна бир муҳим масала: ёшлар онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик ҳамда инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, мактабларда маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш мақсадида жорий қилинган тарбия фанининг ўқитилиш жараёнлари билан танишилди.

Фракция аъзолари округлардаги фаолияти давомида жами 318 та объектда бўлди. Жойларда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиниб, 318 та учрашув ўтказилди. 200 нафардан ортиқ тадбиркорлар билан бевосита мулоқотлар ташкил этилди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни янада фаоллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шундан сўнг “Низосиз ишларни ҳал этиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Унда судларнинг БҲМнинг бир минг бараваригача бўлган низосиз ишларини нотариуслар томонидан кўриб чиқилиши таклиф этиляпти. Чунки нотариусларнинг ижро хатлари суд буйруқлари билан тенг юридик кучга эга бўлган ижро ҳужжати ҳисобланади ва уларнинг ижро этилиши мажбурий.

Фракция аъзоси Даврон Арипов ушбу қонун лойиҳасига муносабат билдириб, бундан мақсад судгача соддалаштирилган тизимни янада ривожлантириш эканини ва нотариусларга берилаётган бу ишлар, асосан, коммунал тўловлар билан боғлиқлигини таъкидлади. Чунки бугунги кунда “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими коммунал ташкилотларининг базаларига интеграция қилинган ва нотариуслар томонидан кўчмас мулкка оид битимларни тасдиқлашда табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви, чиқиндилар бўйича қарздорликни онлайн текшириш йўлга қўйилган.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Низосиз ишларни ҳал этишда муҳим тартиб-таомиллар

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган тақдимотда белгилаб берилган устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолига малакали ва замонавий тиббий хизмат кўрсатиш бўйича изчил ишлар олиб борилаётгани, тақдимотда илгари сурилган таклифлар эса фуқароларнинг замонавий тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

— Президентимиз раҳбарлигида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган тарихий ислоҳотлар самарасини ҳар бир инсон ўз кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда, — дейди фракция аъзоси Тоҳир Полвонов. — Чунки 2016 йилда юртимизда 3,2 мингта хусусий клиника фаолият юритган бўлса, жорий йилга келиб уларнинг сони 8,7 мингтага етиши кутилмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини янада кенгайтиради.

Фракция йиғилишида низосиз ишларни ҳал этиш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам обдан кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси, аввало, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилади. У билан низосиз ишларни кўриш осонлашмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларидаги суд буйруғи тартибида кўриладиган айрим низосиз талабларга оид ишларнинг доираси қайта кўриб чиқилмоқда.



— Лойиҳада назарда тутилаётган нормалар суд тизими самарадорлигини ошириш, низосиз талабларни ҳал этиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда нотариал хизматлар қамрови ва сифатини оширишга қаратилган, — дейди депутат Муҳаммаджон Валиев. — Мазкур ҳужжат судларнинг иш юкламасини камайтириш, низосиз талабларни тасдиқлаш ва ижрога қаратиш механизмларини соддалаштиришга хизмат қилади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Долзарб масалалар муҳокамаси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Унга кўра, амалдаги қонунчиликка қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Муҳокамаларда таъкидланганидек, қонун лойиҳаси меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни соддалаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ходимлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Фракция раҳбари Улуғбек Иноятов меҳнат тизимининг халқаро стандартларга мослаштирилиши инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

— Бугунги кунда меҳнат тизимини халқаро нормаларга мувофиқлаштириш жараёни инсон қадрини улуғлашга хизмат қилаётганини яна бир бор кўриб турибмиз. Бу қонун лойиҳаси бизнинг электоратимиз манфаатларига ҳам бевосита дахлдор, — деди фракция раҳбари.

Фракция аъзоси Шокиржон Аҳмедов иш берувчиларга нисбатан белгиланаётган жарималар кимларга татбиқ этилиши ва уларнинг амалдаги қўлланилиши юзасидан аниқлик киритишни сўради. Қонун ташаббускорлари эса янги нормаларга мувофиқ фуқаролар ҳам иш берувчи сифатида қатнашиши мумкинлигини ва жавобгарлик шу доирада белгиланишини изоҳлади.

Иш ҳақини кечиктирганлик учун компенсация тўлаш тартиби ҳам муҳокамалар марказида бўлди. Депутат Анвархон Темиров айрим соҳаларда иш ҳақини ҳисоблаш жараёни бир неча кун талаб қилишини, шу боис янги норма тадбиркорларга қўшимча қийинчилик туғдирмаслиги кераклигини таъкидлади. Мутасаддилар эса компенсация фақат қонунда белгиланган муддатлар бузилган тақдирдагина ҳисобланишини, шу орқали тадбиркорлар манфаатлари ҳам инобатга олинаётганини қайд этди.

Йиғилишда фракция фаолиятига тегишли, хусусан, депутатларнинг жойларда мактабгача таълим муассасаларидаги техника хавфсизлиги, болаларнинг озиқ-овқат таъминоти, хавфсизлиги масалаларини ўрганиши ва унинг натижалари ҳам муҳокама қилинди.

Депутатлар аниқланган муаммолар — техника хавфсизлиги, озиқ-овқат таъминоти, кадрлар етишмовчилиги ва инфратузилманинг аҳволи қониқарсиз эканини қайд этди. Айниқса, чекка ҳудудлардаги боғчаларда бу муаммолар тизимли тус олгани таъкидланди. Фракция аъзолари фикрига кўра, мазкур масалаларни маҳаллий даражада ҳал қилиш етарли эмас ва комплекс ёндашув талаб этилади. Шу муносабат билан навбатдаги “Ҳукумат соати”да масъул вазирнинг ҳисоботини эшитиш режалаштирилди.

Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Миллий қонунчилик халқаро стандартларга мувофиқлаштирилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда савдо ва саноат соҳасини ривожлантириш, ички бозорда очиқ ҳамда адолатли рақобат муҳитини таъминлаш, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш ҳамда маҳсулотлар устидан назорат тартиб-таомилларини Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқлаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан техник жиҳатдан тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, соҳадаги ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ҳамда эскирган тартибга солиш механизмларини бартараф этиш, уларни халқаро стандартлар талаблари билан уйғунлаштириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, “Метрология тўғрисида”, “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида” ҳамда “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, миллий сифат инфратузилмасини илғор хорижий тажриба асосида комплекс ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

— Қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб бўлиб, унинг қабул қилиниши техник жиҳатдан тартибга солиш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади, — дейди фракция аъзоси Гулчеҳра Тожибоева.

Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун молиявий санкциялар жорий қилинади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 5 май

Биз ва жаҳон

МАЛАЙЗИЯ ҚИРОЛИЧАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

3 май куни Малайзия Қироличаси Ража Зарита София Тошкентга ташриф буюрди.

Малайзия технология университетининг фахрий раиси сифатида ташриф буюрган Қиролича Ража Зарита Софиянинг хизмат сафари “Bernama”, “The Star”, “New Straits Times”, “Astro Awani”, “The Sun” каби Жанубий-Шарқий Осиёдаги етакчи оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий саҳифаларда кенг ёритилмоқда.

Мақолаларда қайд этилишича, Малайзия Қироличаси 3 май куни Ўзбекистонга етиб келган. Олий даражадаги меҳмонни Ўзбекистон мактабгача ва мактаб таълими вазири Эъзозхон Каримова ҳамда ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Баҳромжон Аълоев кутиб олди.

Ташриф давомида Қиролича Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида бўлиб ўтадиган “Ислом цивилизациясида илмий анъана: манбалар, долзарб масалалар ва салоҳият” мавзуидаги илмий-амалий конференцияда иштирок этади.

Шу билан бирга, олий даражадаги меҳмон мамлакатимизнинг бой исломий тарихи ва маданияти билан яқиндан танишиш мақсадида Самарқанд шаҳрига боради.

Малайзиянинг мусулмон аҳолиси томонидан алоҳида ҳурмат ва эҳтиром қилинадиган манзил ҳисобланган Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасига сафар дастурда муҳим ўрин эгаллайди.

Малайзия Қироличаси Ража Зарит Софиянинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро биродарлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшади.

«Дунё» АА.
Куала-Лумпур

Ўзбекистон — Туркия:

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ СОҲАСИДАГИ ИЗЧИЛ АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов Туркия Республикаси Конституциявий суди президенти Қодир Ўзкая билан учрашди.

Мулоқот

Мулоқотда таъкидланганидек, икки мамлакат стратегик ҳамкор давлатлар бўлиш билан бирга, асрлар давомида синовдан ўтган муштарак тарих, маданият ва қардошлик ришталари билан боғланган халқлардир. Кейинги йилларда ўзаро алоқалар ҳар жиҳатдан янги мазмун ва янги руҳ билан бойиб бораётир. Бундай саъй-ҳаракатлар нафақат иқтисодий ҳамда сиёсий соҳалар, балки ҳуқуқий давлатчилик ва конституциявий тараққиёт йўлида ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

Учрашувда конституциявий одил судлов соҳасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бораётгани, судьялар ҳамда мутахассислар ўртасида самарали мулоқот ва тажриба алмашиш йўлга қўйилгани натижасида кўплаб қўшма ташаббус ҳамда амалий лойиҳалар учун мустаҳкам пойдевор яратаётгани айтилди.

Туркия Республикаси Конституциявий суди президенти Қодир Ўзкая бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи 8 майга қадар давом этиб, биргаликда қатор тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

«Халқ сўзи».

ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ, САНОАТ ВА ИНВЕСТИЦИЯНИ БИРЛАШТИРУВЧИ МАЙДОН

Бугунги кунда дунё иқтисодиётида инновация, стартап ва венчур молиялаштириш тушунчалари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги технологияларни бозорга олиб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар яратиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда стартаплар алоҳида ўрин тутади.

Стартаплар, одатда, чекланган ресурслар билан иш бошлайди. Шу боис улар якка ҳолда муваффақиятга эришиши қийин. Уларнинг ривожланиши учун университетлар, илмий тадқиқот марказлари, инвесторлар, акселераторлар, инкубаторлар, давлат ташкилотлари ва йирик корпорациялар билан самарали ҳамкорлик зарур.

Нуқтаи назар

Барқарор бизнес модели

Мамлакатимизда мазкур йўналиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Жумладан, олий таълим, фан ва инновациялар тизимини трансформация қилишга қаратилган ислоҳотлар “5Т” тамойили — таълим, тарбия, тадқиқот, тижоратлаштириш ҳамда тизимли такомиллаштириш асосида амалга оширилмоқда. Бу эса университетларни таълим муассасалари билан бирга, илмий-инновацион ва иқтисодий ривожланиш марказига айлантиришни кўзда тутади. Айнан шундай ҳамкорлик муҳити “инновацион экотизим” деб аталади. У стартапларга ғояни маҳсулотга айлантириш, бозорга чиқиш, молия жалб қилиш ва барқарор бизнес моделини шакллантириш имконини беради.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, Лондон, Вильнюс, Силикон водийси каби инновацион марказларда стартаплар муваффақияти тасодифий эмас. Бу ерларда тадбиркорлар, инвесторлар, университетлар ва давлат институтлари ўртасида тизимли алоқа йўлга қўйилган. Натижада иш ўринлари яратилади, илмий ғоялар тижоратлашади ва иқтисодиётда юқори қўшимча қиймат пайдо бўлади.

Стартап экотизимида молиялаштириш масаласи ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Венчур капитал фондлари, инвесторлар, давлат грантлари, банк кредитлари ва краудфандинг каби манбалар инновацион ғояларни амалиётга жорий этишга хизмат қилади. Айниқса, венчур капитал юқори хавфга эга, аммо катта ўсиш салоҳияти мавжуд бўлган стартапларни қўллаб-қувватлашда муҳим восита ҳисобланади.



Мазкур жараёнда университетларнинг ўрни беқиёс. Олий таълим муассасалари кадр тайёрлаш билан бир қаторда илмий ишланмалар, технологиялар трансфери ҳамда стартап ташаббуслари орқали инновацион иқтисодиётнинг фаол иштирокчисига айланади. Университет лабораториялари, илмий марказлар ва технологияларни тижоратлаштириш офислари стартаплар учун муҳим таянч бўлиб хизмат қилади. Давлатнинг вазифаси эса қулай ҳуқуқий, молиявий ҳамда институционал муҳит яратишдан иборат. Солиқ имтиёзлари, грант дастурлари, инкубация марказлари ва инновацион кластерлар орқали давлат стартапларнинг шаклланиши ҳамда ўсишига туртки беради.

Илғор университетлар лойиҳаси

Янги ислоҳотларга кўра, Ўзбекистонда “U10” — глобал даражадаги илғор университетлар лойиҳаси жорий этилмоқда. Унинг асосий мақсади олий таълим муассасаларини миллий тадқиқот университетларига айлантириш ва улар атрофида илмий кластерлар ташкил этишдан иборат. Бу каби кластерлар “университет — илмий ташкилот — саноат — инвестор” занжири асосида ишлайди. Тошкент кимё-технология институти (ТКТИ) каби ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари учун бу янги имкониятлар эшигини очади. Яъни институт нафақат билим бериш, балки инновация яратиш ва уни тижоратлаштириш марказига айланади.

> *Янги ислоҳотларга кўра, Ўзбекистонда “U10” — глобал даражадаги илғор университетлар лойиҳаси жорий этилмоқда. Унинг асосий мақсади олий таълим муассасаларини миллий тадқиқот университетларига айлантириш ва улар атрофида илмий кластерлар ташкил этишдан иборат.*

Бугунги глобал иқтисодиёт шароитида инновация ва стартаплар ҳар қандай мамлакат тараққиётининг асосий драйверига айланмоқда. Янги технологияларни жорий этиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва саноатни модернизация қилишда стартаплар муҳим роль ўйнайди. Бироқ бу жараён алоҳида корхона доирасида эмас, кенг қамровли ҳамкорлик муҳити — инновацион экотизим орқали амалга оширилади. Айни шу нуқтаи назардан қараганда, ТКТИ Ўзбекистонда инновацион ривожланиш ва стартап ҳаракатининг муҳим марказларидан бирига айланиб бораётир.

Жумладан, институт нафақат малакали кадрлар тайёрлаш, балки илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш, саноат билан интеграцияни кучайтириш ва янги технологик ечимларни шакллантиришда фаол иштирок этяпти. Инновацион экотизимда стартаплар асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Олий таълим муассасамизда шаклланаётган муҳит эса улар учун қулай платформа вазифасини бажаради. Институтда замонавий лабораториялар, илмий тадқиқот марказлари, саноат корхоналари билан ҳамкорлик, ёшлар инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш механизмлари йўлга қўйилмоқда. Бу талабалар ва ёш олимларга ўз ғояларини тезда амалиётга жорий этиш имконини беради.

Стартаплар учун имкониятлар майдони

Бугунги кунда стартаплар муваффақияти кўп жиҳатдан уларнинг ташқи ресурсларга кириш имкониятига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, институт қошида шаклланаётган инновацион муҳит стартаплар учун қатор имкониятларни тақдим этади. Жумладан, илмий раҳбарлик ва устозлик (менторлик), лаборатория ва тажриба базасидан фойдаланиш, саноат корхоналари билан ҳамкорлик, инвестиция ва грантларга чиқиш имконияти шулар сирасига киради. Бу омиллар стартапларга ғоядан токи бозорга чиқишгача бўлган барча босқичларда ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, инновацияларнинг асосий хусусияти уларнинг амалиётга жорий қилиниши билан изоҳланади. ТКТИ саноат корхоналари билан яқин ҳамкорлик орқали илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни таъминлаётир, айниқса, кимё ва озиқ-овқат саноатида амалий ечимлар ишлаб чиқишда институтнинг салоҳияти юқори. Йирик корпорациялар билан шериклик стартапларга ишончли бозор, тажриба ва ресурслар беради. Бу эса инновацияларнинг тезроқ жорий этилишига хизмат қилади.

Стартаплар учун энг муҳим масалалардан бири — молиялаштириш. Институтимиз базасида амалга оширилаётган лойиҳалар давлат грантлари, хусусий инвестициялар ва халқаро ҳамкорлик дастурлари орқали қўллаб-қувватланмоқда.


Айтиш керакки, стартап экотизими янги бизнесларни қўллаб-қувватлаш тизими бўлиши билан бирга, илм-фан, таълим ва саноатни бирлаштирувчи замонавий тараққиёт майдонидир. Бундай экотизим қанчалик самарали ишласа, мамлакатда инновацион маҳсулотлар, янги технологиялар ва рақобатбардош иқтисодиёт шунчалик тез шаклланади. Тошкент кимё-технология институти эса ана шу тизимнинг муҳим бўғини сифатида Ўзбекистонда инновацион ривожланишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институти ректори, техника фанлари доктори, профессор.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

104-БАҲОР ҚУВОНЧЛАРИ

1942 йили, 19 ёшимда Иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилиб Украина, Беларусь, Молдова, Польша, ҳозирги Чехия ва Словакия, Германиядаги жангларда қатнашдим. Оловли йилларда минглаб сафдошларимдан айрилдим. Икки маротаба жароҳатланиб, ҳозиргача ўша йўқотишлар азоби билан яшайман.



Жанггоҳларга она юртдан келадиган хатлар янада оғриқли эди. Унда яқинларимиз очарчилик ва йўқчилик ҳақида ёзишар, бундай пайтда чорасизликдан ортиқ дард йўқ. Бир неча маротаба ажал шарпаларини доғда қолдириб, Берлингача етиб бордим. Галаба тантаналарида иштирок этиб, ота юртга ғолиб сифатида қайтдим.

Айни пайтда Фарғона вилояти, Тошлоқ туманининг “Шодлик” МФЙда жойлашган қадрдон хонадонимда мўъжазгина музей ташкил этилган. Бу ерда орден ва медалларим, ўша йиллар ҳаётини акс эттирувчи тарихий газеталар ва китоблар, куролдош дўстлар ҳамда яқинлар билан тушган суратлар жамланган. Келганларга музейдаги ҳар бир буюм, сурат тарихини фахр билан сўзлаб бераман.

Бу йил уруш қатнашчиларига 30 миллион сўмдан пул мукофоти берилиши ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда хурсанд бўлдик. Бу умримизга умр қўшади. Хонадонимиз доимо узоқ-яқиндан келувчи меҳмонлар билан гавжум. Оиламизда 10 нафар фарзанд улғайтирганмиз. Бугунги кунда невара-чевараларим 250 дан ортиқ. Урушдан сўнг бир умр қишлоқ хўжалигида ишлаб, Марказий Фарғонанинг чўл-дашт ерларини ўзлаштиришда фаол қатнашдим.

Яқинда 104-баҳоримни кутиб олдим. Бу баҳор қувончлари ҳам ўзгача, шукроналикка тўла: Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Халқимиз тараққиётда дадил илдамламоқда. Юртимизда инсон азиз. Бу бизга куч беради. Оёғимдан мадор кетган бўлса-да, ғайрат-шижоатим ўша-ўша. Фарзанд ва набираларга деҳқончилик, боғдорчилик юмушларида маслаҳатгўйман. Шу кунларга етказганига шукр!

Одилжон ЗОКИРОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.
Тошлоқ тумани

КИТОБ жавонингизга

КЎНГИЛДАН ЧИҚҚАН СЎЗ

Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида Ўзбекистон халқ шоири Хусниддин Шариповнинг “Танланган асарлар”и чоп этилди. Китобдан шоирнинг халқимиз томонидан севиб ўқиб келинаётган шеърлари, достонлари, пьесалари ва таржима асарлари ўрин олган.



Ижодкор китобга сўзбоши қилиб олинган мақоласида “Шоир аввало ўзи ошиқ, покиза, фидойи бўлиши, яъни ўзи ҳам улуғлаётган қаҳрамонига ўхшаб яшаши керак. Бу осон эмас... Шу боис тарих минглаб қаламкашдан оқибат натижада фақат битта-яримтасига мангулик калитини беради, холос”, деб ёзганди. Бу сўзлар шоирнинг ижодига нақадар жиддий қараганини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, кўнгилдан чиққан сўз кўнгилга етиб боради. Дил дилдошини топади.

Адабиётшунослар адиб ижодида ғазал ва оқ шеър, лирика ҳамда ҳикоят, достон ва миниатюра, фалсафа ҳамда лутф, қўшиқ ва чақириқ ёнмаён яшаши ҳақида, қаҳрамонларининг халқона содда ва тагдор тили тўғрисида кўп ёзишган. Китобхонлар мазкур тўпламга киритилган асарларни ўқиб, бунга яна бир бор амин бўлади.

УЙҒОҚЛИККА ЧОРЛОВ

Шоир ва публицист Абдурасул Жумақулнинг ўқувчиларга тақдим этилаётган навбатдаги “Фақат сен” деб номланган янги китоби икки бобдан иборат.



Унда муаллифнинг ўзига хос маҳорати, услуби ёрқин намоён бўлган шеърлари, насри ва публицистик асарлари, меҳнат фаолияти ҳақида устоз адиблар, таниқли ижодкорларнинг дил сўзлари ўрин олган.

Бадиий адабиётнинг асосий вазифаси кўнгилларни уйғоқликка чақириш, маънавий озуқа улашишдан иборат. Китоб адабиёт ихлосмандларига завқ-шавқ, ҳайрату ҳаяжон бағишлашига шубҳа йўқ.

«ЗАР ҲАМ ЎЗИНГ, ЗАРГАР ҲАМ ЎЗИНГ»

Ўзбек матбуотида ўзининг муносиб ўрнига эга таниқли шоир, таржимон ва публицист Сирожиддин Рауф ҳар бир сўзни теран ҳис этиб, унга ўта масъулият билан ёндашадиган ҳассос ижодкорлар сирасига киради.

У битикларида ўз қарашлари, фикр-мулоҳазаларини аниқ далиллар воситасида бадиий жило берган ҳолда баён этадики, натижада бу асарлар беихтиёр ўқувчининг ҳам тасаввурини ўзгартириб юборади.

Бинобарин, унинг публицистикасида муайян долзарб мавзунинг мазмун-моҳияти ниҳоят даражада чуқур очиб берилиши мутахассис ва ўқирманлар томонидан юксак эътироф этилади. Турли йилларда ёзилган мақола, эссе, суҳбат, тақриз ва қайдлардан иборат “Зар ҳам ўзинг, заргар ҳам ўзинг” номли мазкур тўплам ҳам муаллифнинг маҳоратига, нечоғли серқирра ижодкор эканига яққол далолат бўла олади.

Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп қилинган.

«Халқ сўзи».

Талабалик – янги имкониятлар даври

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида таълим устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бу соҳада амалга оширилаётган қатор ислоҳотлар ёшларнинг сифатли билим олиши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Хусусан, хотин-қизлар ва алоҳида таълим эҳтиёжларига эга шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамият аъзоларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва инсон қадри устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фикр

Айни пайтда Халқаро Нордик университетининг махсус педагогика (логопедия) йўналишида таҳсил оларканман, талаба сифатида таълим тизимидаги янгиланишларнинг бевосита гувоҳи бўлмоқдаман.

Хусусан, Президент қарорига мувофиқ, абитуриентларга тест синови топшириладиган фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалавриат таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилгани катта имкониятлар эшигини очди.

Бугун ёшларда илм олиш баробарида, турли ижтимоий ва маданий фаолиятлар, танлов ва илмий лойиҳаларда ҳам фаол қатнашиш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, университетимизда ўтказилган танлов натижасида “Олтин фонд” номли ректор стипендиясини қўлга киритганим келажакка ишончимни янада мустаҳкамлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ёшлари халқаро майдонларда ҳам юқори натижаларни қўлга киритаётгани жуда қувонарли. Сўнгги йилларда чет тилларини ўрганишга қизиқиш кескин ошди. 2020 йилда “IELTS” сертификатидан 5,5 ва ундан юқори натижа олган ёшлар сони 10 мингдан сал кўпроқ бўлган бўлса, 2024 йилда мазкур кўрсаткич 50 мингдан ошгани бунинг яққол исботидир.

Шу каби натижалар ёшларнинг глобал майдонларга чиқиш, дунё илмий ҳамжамиятига қўшилиш ва халқаро таълим тизимига интеграциялашишга интилаётганини кўрсатади. Бошқа томондан эса уларнинг халқаро меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиб бораётгани ифодасидир. Ёшларнинг халқаро грантлар, стипендиялар ва илмий дастурларда иштирок этаётгани мамлакатимизнинг илмий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Инклюзив таълим муҳим йўналишлардан бири бўлиб, бугун мамлакатимиз мактабларида инклюзив синфлар ташкил этилмоқда, махсус педагоглар тайёрланяпти, психологик ёрдам хизматлари кенгайтирилмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларга ҳисса қўшиш мақсадида “Инклюзив келажак” номли ижтимоий ташкилот тузишга аҳд қилдик. Мазкур лойиҳа инклюзив таълимни ривожлантириш, психологик ёрдам хизматларини кенгайтириш ҳамда алоҳида эҳтиёжга эга шахсларнинг бандлигини таъминлашда асқатиши муқаррар. Чунки ҳар бир инсон жамиятнинг ажралмас бўлаги, унинг тараққиёти ва равнақига улуш қўша оладиган ноёб салоҳият эгасидир.

Бугунги университетлар шунчаки билим берадиган жой эмас. Улар ташаббускор, етакчилик қобилиятига эга ва жамият олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қиладиган ёшларни тарбиялаётган масканлардир. Навқирон авлод учун яратилаётган бундай шароитлар мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши учун кадрлар тайёрлашга қаратилган стратегиянинг бир қисмидир.

Гулсора АБДУҚУНДУЗОВА,
Халқаро Нордик университетининг махсус педагогика йўналиши талабаси.

2016 йилда юртимизда 3,2 мингта хусусий клиника фаолият юритган бўлса, 2026 йилда уларнинг сони 8,7 мингтага етиши кутилмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ғ. Баҳромов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.05 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6